

Эркин ЗОЙИРОВ,

*Бухоро муҳандислик-технология институти
доценти, фалсафа фанлар номзоди*

ОРИФ РЕВГАРИЙ – БУХОРОИ ШАРИФНИНГ ИККИНЧИ ПИРИ

Хожаи Жаҳон – Абдулхолиқ Гиждувонийнинг шоғирди, силсилаи шарифдаги буюклардан буюк Муҳаммад соллалоҳу алайҳи васаллам нурлари, файзларини давом эттирган 11-ҳалқанинг пири, Бухорои шариф етти пирининг иккинчиси, табаррук ва улуғ зот Моҳитобон номи билан машҳур Хожа Муҳаммад Ориф Ревгарийдир.

Хожа Муҳаммад Ориф Ревгарий ўрта бўйли, ой юзли, кўзлари катта-катта, қошлари ингичка ва ҳилолдек эди. Вужудидан пайғамбаримиз Муҳаммад соллалоҳу алайҳи васаллам каби ҳушбўй ҳид таралар эди, яъни Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳиди келиб турар эди. Ул зот улуғ валийлардан бўлиб, илм, ҳилм, зухд, такво, риёзат ва ибодат аҳли эди.

Хожа Ориф Ревгарий ҳижрий 560, милодий 1165 йилда таваллуд топган. Улуғ зот таваллуд топган муқаддас макон ҳозирги Бухоро вилоятининг Шофиркон туманидаги Ревгар кишлоғидир. Ревгарий туғилган макони номидан олинган.

У кишига Ориф деган исми Хожа Хизр алайҳиссалом берган. Бу ҳақда Махдуми Аъзамнинг “Маноқиби Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний” асарида шундай ривоят келтирилади: “Хожа Ориф Ревгарий ёшлигидаёқ Хожаи Хизрнинг иноятига мушарраф бўлган экан. Бир куни Хожаи Хизр Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний ёнига келиб, дабистон (мактаб) болаларини ухлаган ҳолатда кўрибди. Фақат Хожа Ориф ухлаб қолмаслик ва Хожа Хизрни кўриш учун кўзларига туз суртиб ҳушёр турган экан. Буни тушунган, унинг мақсадини билган Хожа Хизр боланинг бошига кўлини қўйиб “Ориф бўлсин” деган экан.

Ориф – ирфон соҳиби. Сўфийларнинг тушунчасида илм-ақлга, ирфон туйғуларга асосланади. Ориф бўлмоқ учун китобий билимлардан беҳад юксалмоқ керак. Ориф Аллоҳ томонидан бахш этилган “Ладуний илми” билан унинг мавжудлигини идрок этади ва мавҳум борлиқдан кечиб, Тангри борлиғи билан умр ўтказди. Демак, Ориф Аллоҳни танийдиган, билган ва илоҳий маърифатдан хабардор бўлган юксак мартабадаги инсондир. Ориф илоҳий файзнинг



одами бўлиб уларнинг қалби илоҳий нурнинг булоғидир. “Маноқиби Хожа Абдулхолик Ғиждувоний ва Ориф Ревгарий” асарида Ориф Ревгарийнинг орифлик даражасини тавсифлаб қуйидагича ёзилган:

Ориф зи ҳазор подшоҳ афзун аст,
Доим ба ҳузури ҳазрати бечун аст.
Бо ту ба жаҳону аз жаҳон берун аст,
Ту кай дони, ҳоли Ориф чун аст.
Мазмуни:

Ориф Ревгарий минглаб подшоҳлардан устунрокдир,

Мудом ўхшаши йўқ ҳазрат – Оллоҳ ҳузурида ҳозирдир.

Сен билан бу жаҳондаю лекин жаҳондан ташқаридадир,

Сен ҳазрат Орифнинг ҳолини қаердан ҳам билардинг.

Хожа Хизрнинг бу тавсифларидан маълум бўладики, Ориф Ревгарий жисман шаҳодат олами, моддий борлиқда мавжуд бўлса ҳам, руҳан ғайб оламида Тангри Таоло ҳузурида, унинг жалолу жамолини мушоҳадаси билан машғулдир.

Шофирконни ҳам бу улуғ зот туғилган макон сифатида улуғлаб Моҳитобон деб юритганлар. Моҳитобон дейилишига сабаб, Ориф Ревгарий валий бўлиб қалблари илоҳий нурларнинг хазинасига айланган эди. Бу нурлар вужудларининг ҳар бир ҳужайрасидан шуъла сочиб, тажаллий этиб, порлаб турар эди. Оллоҳни қуёш тимсоли деб олсак, тўлин ой қандай қуёш нурларини акс эттирса бу киши ҳам Оллоҳ нурларини вужудлари билан акс эттирган улуғ зотдир.

Хожа Ориф валоят даражаси шунчалар юксак эдики, у киши кирган қоронғу ҳужра ёришиб кетар эди. “Мақомотда” у киши боши устига Каъба келиб, соя солиб тургани баён этилган: Ривоят қилишларича, Хожа Абдулхолик Ғиждувоний ўз мулозимлари Хожа Аҳмад Сиддиқ, Хожа Авлиёи Кабир ва Хожа Ғариб билан ўтирган экан. Уч шогирдни бошида бир хил фикр экан: “Хожа Ориф Ревгарий ёш жиҳатдан биздан кичик бўлса, нима учун Хожа уни бизлардан ортиқ кўради? Нима учун бундай бўлиши керак?” Охир шогирдлар ўз фикрларини устозлари Хожага айтдилар. Хожа улар мақсадини тушуниб, шундай деди: “Айюҳал – авлод (Эй ўғиллар) Орифни қақиринглар.” Хожанинг ишорати

билан ҳар бир шогирд Хожа Орифни излаш учун ташқарига чиқдилар. Ниҳоят Хожа Орифни бир вайрона масжидни бурчагидан топдилар. Ул зот вайрона масжидни бурчагида бебаҳо гавҳардек товланиб ўтирарди. Оллоҳни амри билан, қибла аҳли, Каъба аъёнлари, саҳобалар уларни бошларида соя солиб турардилар, хизматда эдилар. Шунда Хожа Кабир у кишини улуғлигига тан бериб: “Оманно ва саддақно” (Садоқат ила ишондик) дедилар.

Хожа Ориф Ревгарий Абдулхолик Ғиждувоний томонидан иршод этилган ва муршидлик мартабасига етишган инсондир. У кишини авлиёлар қутби, пок, соф, мусаффолар пешвоси, висол каъбасининг восили, фазилатлар зилолининг азизи, ҳазрати Яздон муқарраби, маъно тариқатининг солиҳи, деб таърифлайдилар.

Ориф Ревгарийнинг ҳозирги кунга қадар “Орифнома” рисоласи сақланган. Бу рисола нусхасини бизга устозимиз Жонмуҳаммад Гулов берган. Бу асарни форс-тожик тилидан Садриддин Салим Бухорий ва Исроил Субҳонийлар таржима қилиб, 1994 йилда Тошкентдаги “Наврўз” нашриётида нашр этганлар. Рисола 16 бетдан иборат бўлиб, ҳажм жиҳатидан кичик бўлишига қарамай жуда қимматли ва ноёб манбадир. Ориф Ревгарий бу асарида орифларга мурожаат этиб, уларга дурдона фикрларини айтган. Рисолада ўзлари томонидан айтилган 27 та ҳикматли сўз келтирилган. Шунингдек, Ориф Ревгарий машойихлар каломларини тинглаш, инсонлар қалбига тавфиқ уйғотиши сабаби эканлиги учун шогирдларига 38 та машойихлар ҳикматини баён этган. “Орифнома” асари, бир томондан хожагон тариқатининг мазмун-моҳияти, одоби, камолот йўли ва воситаларни ўргатувчи бир асар бўлса, иккинчидан, бу тасаввуф тарихидаги буюк намоёндалар таълимотини ўргатувчи манбадир.

“Орифнома” асарда Боязид Бастомий ва у кишининг шогирди Абу Туроб Нахшабий, Робия Адавия, Ҳасан Басрий, Шақиқ Балхий, Молик Динор, Фузайл Аёз, Суфиёни Саврий, Яҳё Розийлар ҳақида маълумотлар бор. Шунингдек, бу асарда Ориф Ревгарий ўз устози Абдулхолик Ғиждувонийнинг ўғитлари, ҳаёт йуллари ва охирги дамлари ҳақида айтиб ўтган.

“Орифнома” асари ҳижрий 622, милодий 1225 йилда ёзилган. Бу асарнинг қиммати яна

шундаки, унда Ориф Ревгарийни вафотларига оид қуйидаги маълумот ҳам сақланган:

Афсус шуд пинҳон Моҳитобон ба зери хок,
Килкам сияхпӯш, жигар реш, сийна чок.

Тарих баҳри рехлати ў жустам аз қалам,
Қутби замон ва Орифи биллоҳ зери қалам.

Бу мисралар абжад ҳисоби билан Ориф Ревгарийни вафот йилларини ҳижрий 634 йилда эканлигини кўрсатади. Юқоридаги маълумотни асос қилиб олсак, Ориф Ревгарий милодий 1234 йилда вафот этган. Қабри Шофиркон туманида жойлашган бўлиб, ҳозирда обод зиёратгоҳлардан ҳисобланади. Қуйидаги байт Хожа Ориф Ревгарий мазоридаги қабр тошига битилган:

Ориф он Орифи раббоний,
Муттасил шуд ба васли субҳоний.

Хожаи аҳли дин бигуй солаш,
Низ Орифи амини раббоний.

Мазмуни:

Ориф ул Орифи раббонийдур,
Мудом Аллоҳ васлига етишди.

Унинг (ўлими) тарихи “Хожаи аҳли дин” дан,

Ёки “Ориф амини раббоний”дан чиқади.

Садриддин Салим Бухорий “Баҳоуддин Нақшбанд ёки етти пир” китобида бу мисраларни шундай таҳлил этган: “Хожаи аҳли дин” ва “Орифи раббоний” абжад ҳисобида Хожа Ориф марҳум бўлган йил яширинган. Муаллиф Ориф Ревгарийнинг вафот йили деб, ҳижрий 657, милодий 1259 йилни кўрсатган.

“Орифнома” асаридаги ҳикматли сўзлар таҳлилидан маълум бўладики, Ориф Ревгарий инсон ва Оллоҳ ўртасида ҳижоб, парда, тўсиқлар мавжудлигини айтиб, инсон камолотга етиши ва ҳақиқатни англаши учун бу нур ва зулматдан иборат ҳижоблардан қутилиб пок бўлиши лозим. Ориф Ревгарий фикрича, бу ҳижоблар аввало, дунёга кўнглини боғлаш, нафсга берилиш, бойлик, мансаб, ҳою-ҳавасларга боғланиб, зоҳирпараст бўлишдир. Шунингдек, у қалбдаги кибр, мансаб, бойликка муҳаббат инсон камолот учун катта тўсиқ эканлигини таъкидлаган.

Хожа Ориф Ревгарий ўз асарида Ҳақ йўлининг боши тавба эканлиги, истиғфор айтиш фойдаси, маърифатли бўлиб, жаҳолатни енгиш, ўзликни англаш, Қуръон ва ҳадисларни ўрганишнинг аҳамиятини кўрсатган. Асарда одобли бўлиш, валий, ориф тушунчаси,

шукроналик, сабр, бандалик, қалб поклиги ва вақтни асраш аҳамияти кенг ёритилган. Ориф Ревгарийнинг фикрича, инсон эркин қуш каби юксакликка парвоз этиши учун фақат Оллоҳга боғланиши ва бошқа нафсоний алоқалардан фориғ бўлиши лозим. “Одамни саодатга яқинлаштирувчи хислат шуки, ўзини малоикка монанд этсин, яъни нафсини ўзига бўйсундирсин ва афиф-покиза бўлсин, мудом зокир, бандаликка жидду-жаҳд ва саъй-ҳаракат қилсин”, деб Ориф Ревгарий уқтиради.

“Рисолаи Сигнокий” асарида баён этилишича, кунлардан бир кун Хожа Аҳмад Яссавий таом пишираётиб, муриди Хожа Дуғийни Ғиждувонга бориб, Хожа Абдулҳолик Ғиждувонийдан қатик олиб келишини буюради. Хожа Дуғий Ғиждувонга етиб бормасданоқ, Ғиждувонийнинг ҳалифаси Хожа Ориф Ревгарий Аҳмад Яссавий ҳузурига қатик олиб келади. Бундан хабар топган Хожа Дуғий: “Орифнинг ҳоли мендан устун келди”, – дея Хожа Орифнинг камолотини эътироф этади.

Умумий хулоса қилиб қуйидагиларни таъкидлаш мақсадга мувофиқ:

1. Муҳаммад Ревгарий илмга муҳаббати туфайли Ориф, деган юксак мақомга сазовор бўлган ва илоҳий илмни мукаммал эгаллаган улуг зотдир.

2. Ориф Ревгарийнинг мусаффо қалбидан таралган илоҳий нурлар бутун вужудидан тўлин ой каби порлаб турганлиги учун Моҳитобон, деган табаррук ном билан шарафланган.

3. Бу табарук инсоннинг камолот даражаси юксаклиги ва Аллоҳга энг яқин бандалардан бўлганидан Аллоҳ изни билан Каъба у кишини зиёратига келган улуг зотдир.

4. Ориф Ревгарийдан сақланган “Орифнома” асарида хожагон таълимоти намоёндалари ва тасаввуф шайхлари ҳамда ўзлари томонидан айтилган етмишга яқин ҳикматли сўзлар келтирилган. Бу дурдона ўғитлар маънавий сарчашмасининг жавоҳирларидир.

Демак, Хожа Ориф Ревгарий Хожаи Жаҳон таълимотини ривожлантирган, ўзидан “Орифнома” каби қимматли рисола қолдирилган буюк шайхдир. У кишини ҳаёт йўллари эзулик тимсоли сифатида ва ёзган “Орифнома” асарлари ҳозирги кунгача ёшларни маънавий ҳуружлардан ҳимоя этувчи, жаҳолатга қарши турувчи маънавий-маърифий манбадир.